



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 41
(548)
2007 йил
9 октябрь
сешанба

Маълумки, мамлакатимизда фуқароларнинг сиёсий эркинликларини таъминловчи ҳуқуқий асослар ҳамда адолатли, барқарор сайлов тизими яратилди. Замоनावий давлат бошқаруви тизими шакллантирилди. Айтиши жоизки, сиёсий жараёнларнинг чуқурлашиб бориши, унинг миллий давлатчилик ривожланишига таъсири ошишига давлат бошқаруви тизimini шакллантиришда Президентлик сайлови муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, даставвал сайлов қонунчилиги ҳусусида сўз юртсак.

Сайлов ва сайловчи

Сайлов қонунчилиги

Тўғрисида нималар биламиз?

Асосий принциплар — фуқароларнинг сайловда қатнашиши, сайловни ташкил этиш ва ўтказишда амал қиладиган асосий қрида ва ҳолатлар сайлов принциплари дейилади. Асосий принциплар сифатида: умумий, тенг, тўри ва яширин овоз бериш, сайлов кампанияси ва овоз беришда ихтиёрийлик асосида қатнашиш, сайловларда ошкоралик эътироф этилган. Қонунчилигимиздаги бу принциплар ҳалқаро стандартларга тўла мос келади. Ҳалқаро стандартлар эса сайловларнинг демократлигини таъминловчи умумъятроф этилган мезонлардир. Асосий принциплар Конституцияда ҳам мустаҳкамланган.

Умумий сайлов ҳуқуқи — маълум ёшга етган, ақли расо барча фуқароларнинг миллати, жинси, ирки, ижтимоий ҳаволи, диний эътиқодидан қатъи назар, сайловда (сайлаш ва сайланишда) иштирок этиш ҳуқуқи эга эканлиги. Бу принципнинг амал қилиши бирор-бир фуқаронинг сайлов ҳуқуқини чеклашга йўл қўймайди. Умумий сайлов ҳуқуқи орқали мамлакат фуқароларининг аксарият кўпчилиги қисми сайловда иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Тенг сайлов ҳуқуқи — сайловларнинг тенглик асосида ўтишини таъминлайди. Унинг асосида ҳар қандай фуқаро ихтиёрийлик қилиши билан қатъи назар, сайловларда битта овозга эга. Тенглик принципи сайловларда иштирок этувчиларнинг тенглигини ҳам таъминлайди. Уларга бир хил имконият яратилади. Шу асосда номзод кўрсатишда субъектларнинг тенглиги, номзодларни қўллаб-қувватлашда тенглик таъминланади. Номзодларга ўз дастурларини етказишда, сайловчилар билан ўрашувларда тенг имкониятлар яратилади.

Тўри сайлов ҳуқуқи — бу ҳуқуқ орқали фуқаролар овоз беришда бевосита, ҳеч қандай қўшимча воситаларсиз иштирок этади. Ҳар қандай сайлаб қўйилган органлар ёки Президент сайловда сайловчилар тўридан-тўри сайлов унасталарида овоз беради. Уларнинг берган овози ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўзбекистон Президенти ҳам, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва ҳалқ депутатлари Кенгашларининг барча аъзолари депутатларни қабил бевосита фуқаролар томонидан сайланади.

Яширин овоз бериш — яширин овоз бериш овоз беришнинг энг демократик шакли. Яширин овоз ҳеч қимми назоратсиз, ҳар бир фуқарони ўзи хоҳлаганича овоз бериши таъминлаш учун сайлов унасталарида алоҳида алоҳида ҳоналар жиҳозланади. Овоз бериш вақтида унда овоз беришдан бошқа қилишни бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюллетенлари бирор-бир белги қўйиш мумкин эмаслиги, ҳамма бюллетенлар бир хил рангда ва ҳажмда, шаклда бўлиши яширин овоз беришни кафолатлайди.

Сайловда ихтиёрий қатнашиш — сайловда иштирок этишнинг демократик тамойилларидан бири. Бунинг натижасида фуқаролар сайлов жараёнининг барча тadbирларида, шунингдек, овоз беришда ихтиёрий иштирок этиши мумкин. Ҳеч қим сайловларда иштирок этишига, овоз беришига мажбурланмайди, шунингдек, ҳеч қимга сайловларда иштирок этиши, овоз беришда қатнашишига тўғривлик қилинмайди. Сайловларда иштирок этмаганлик, овоз беришда қатнашма-

Озод ХУСАНОВ,
юридик фанлари доктори,
профессор

ФҲДЁ фаолияти




Adliya yordam berdi TADBIRKORGA TUSIQ BULMANG

Мамлакатимизда тadbirkorликка кенг йўл ва имконият яратилиши муҳим масала сифатида қаралаётгани бежиз эмас... Иқтисодий тараққиётнинг муҳим бўлиши саналган бу тармоққа, айниқса, кейинги йилларда эътибор кучайди. Вилоят адлия бошқармаси томонидан тadbirkorлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан 43 та тақдирнома, 32 та оғоҳнома ва 7 та кўрсатма, жинсий иш кўзга тушиб ҳақида 5 та, маъмурий жавобгарликка тортишга қаратилган 12 такирлар киритилганлиги ва соҳадан амалга оширилган ишларнинг салмоғи ўзига яраша эканлигидан адолат бериб турибди.

Қонунлар ижроси эса уларга ҳаёт бағишлайди. Вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдирнома-ларга асосан ҳокимлик идораларининг 8 нафар, солиқ идораларининг 2 нафар, тижорат банклари тизимидagi ҳодимларнинг 19 нафари, статистика идораларидан 3 нафар, ер ресурслари идораларининг 5 нафар, таъбирилов ва хизмат кўрсатувчи идораларининг 6 нафар мансабдор шахслари интизомий жавобгарликка тортилганлиги бунинг ақлол иботидир. Жорий йилнинг ўтган орти ойи мобайнида ҳокимлик идораларига нисбатан 3951349 сўмлик 5 та, солиқ идораларига нисбатан 26621 сўмлик 4 та, тижорат бан-

ларидан 7821 сўм, қурилиш идораларидан 1361998 сўм, «Ўзпахтасаноат» АК тизимидagi таъбирлов корхоналаридан 113239819 сўм, жами 199168412 сўмлик маблағ улар фойдасига ундириб берилди. Айрим ҳолатларда судга қарздорликнинг бартафoрo этилганлиги ҳам инobatга



да жавобгарнинг судга қардорлики тўлиқ бартафoрo қилганлиги ва бу ҳақда тўлов топшириқномасини суд маҳкамасига тақдим этганилиги сабабли даъво рад этилди. Еки Термиз шаҳридаги «Офис Арт Дизайн», МЧЖ фойдасига 54.959.200 сўм, Шеробод туманидаги «Олга» МЧЖга ундирилган лoзим бўлган 16.554.423 сўм, Тошкент вилоятидаги «Хусан хожи Акбар» МЧЖ фойдасига 62.976.000 сўм ундириш ҳақидаги даъволар буйича ҳужжали ишлари манфаати қўзғалган шахсларнинг жавобгарлар билан ўзаро келишув битими тўзганлиги сабабли иш қуритилган тўхтатилди. Жорий йилнинг ўтган даврида судларга киритилган даъволарнинг 58 таси буйича тadbirkorлик субъектларининг ҳуқуқлари тўлиқ тикланди.

Баҳодир ЧОРШАНБИЕВ,
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи,
Собир ЁДИКОВ,
«Инсон ва қонун» муҳбири

Моһият Ҳуқуқий асос яратилди

ОАВ ва суд-ҳуқуқ тизими муносабатлари ҳусусида

Юртбошимиз Ислам Каримов Иккинчи чақирик Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган тарихий маърузасида алоҳида таъкидланганлигидек, «Ислохотларимизнинг янги босқичида оммавий ахборот воситаларининг суд ҳокимияти билан ўзаро муносабати масаласи алоҳида диққат-эътибор қаратиши талаб этади. Зеро, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишда кенг миқёсда ўзгаришлар, аввало, ҳар қайси фуқаронинг манфаатини ҳимоялайдиган қонун ва нормалар оммавий ахборот воситалари томонидан таништириб ва ёритиб борилиши зарур... Чунки айнан оммавий ахборот воситаларининг жамoатчилик фикрига, фуқароларнинг ҳуқуқий онига таъсир ўтказиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти чекира»...

Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари ва суд ҳокимияти жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Аслида улар ўз вазифаси ва табиғати кўра турли фаолиятни амалга оширсан-да, туб мазмун-моҳияти билан демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти манфаатлари учун хизмат қилади. Шу боис, улар ўзаро ҳуқуқий чегараларидagi ҳамкорликсиз ўз олдидига қўйилган мураккаб вазифаларни адо этишлари қўйин. Айни пайтда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб бoрилаётган ислохотлар ОАВ томонидан қўллаб-қувватланмай туриб муваффақиятга эришиши мумкин эмас ва ўз навбатида, судлар томонидан журналистларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинамас экан, ОАВ тўлиқ эркинликка эриша олмайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кўнлардан бошлаб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ олтидан ортиқ турли халқаро шартномаларга қўшилди ва уларни миллий қонунчилигимизга сингдирш борасида босқинча-босқинчи тизими иш олиб бoрилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим тўғривчи қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси жорий этилди. Суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш жараёнида судлар ихтисослаштирилиб, жиноят ишлари буйича, фуқаролик ишлари буйича ва ҳужжали ишлари буйича алоҳида-алоҳида судлар ташкил этилди. Суд қарорларининг қонунийли-

ги, асослиги ва адолатлилигини текширишнинг апелляция тартиби жорий этилди. Ишларни кассация тартибда кўриб чиқиш тартиби ислох этилди.

Тергов жараёни ва айбланувчини ҳибсда сақлаш мuddатлари сезиларли даражада қисқартирилди. Жиноят ишларини судларда кўриб чиқиш мuddатлари қатъий белгилаб қўйилди. Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш, тайинлаш, сайлашнинг демократик ҳуқуқий механизми жорий этилди. Суд қарорларини ижро этиш буйича алоҳида департамент ташкил қилиниб, судлар ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод этилди.

Суд жараёнида тортишув тамойиллини амалга ошириш кафолатлари кенгайтирилди, тарафларнинг, жумладан, прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминланмоқда.

Жиноятларнинг таснифи тубдан қайта кўриб чиқилиб, ўзгаририлди. Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва ўта оғир бўлмаган тоифага кирувчи жинойат ҳаракатлар тартиби сезиларли даражада кенгайтирилди. Жиноят процессида энг муҳим институт — ярашув институти жорий этилди.

Маҳкумларнинг жазони ўташ шароитлари яхшиланди ва судланганларни жазо мuddатидан илгарти озод этишнинг ҳуқуқий асослари бир мунча кенгайтирилди.

Жиний жазолар либераллаштирилди, иқтисодий жиноятлар буйича зарарни қоллаган шахсларга озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлламаслик қoйдаси жорий қилинди.

Санаб ўтилган ва бошқа тadbirkorлик мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, қримогоген вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бунга қўйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистонда ҳар юз миң кишига озоликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар сони 158 кишини ташкил этса, бу қўрсаткич АҚШда — 715, Россияда — 584, Украинада — 416, Қозоғистонда — 386, Қирғизистонда — 390, Эстонияда — 339 кишидан иборатдир.

«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг бекор қилиниши тўғрисида» ва **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг қабул қилиниши мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларининг яна бир муҳим босқичи бўлиб қолади.


Олимжон ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси аъзоси

Узун туман прокуратураси томонидан фуқаро Э.Бегимқулов ва бошқаларнинг тумандаги «Бобото» ўрмон ҳўжалиги мансабдор шахслари томонидан содир этилган қонунбузарликлар тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилди.

Иш судда кўрилади

Аризада, «Бобото» ўрмон ҳўжалиги директори Н.Сафаров мутахассисларни жалб этган ҳолда ҳодимларни аттестациядан ўтказганлиги, лекин ўрмон ҳўжалиги муҳандиси Х.Утаназаров ва «Файзова» ўрмон бўлими Э.Бегимқуловларни аттестациядан ўтказилмаганлиги кўрсатилган.

«ИНСОН ва ҚОНУН» га
жавоб берадилар



Маълум бўлишича, «Бобото» ўрмон ҳўжалигининг 2005 йилги смета ҳужжатларига ҳамда Республика ўрмон ҳўжалиги Бош бошқармасининг кўрсатмасига асосан, ҳўжаликка 9 миллион 500 миң сўмга «Нива» ёки «УАЗ» русумли автомашина сотиб олингани кўзда тутилган бўлса-да, лекин ҳўжалик томонидан «Бобото» ўрмон ҳўжалиги директори Н.Сафаров Молия вазирлигининг рухсатисиз 9,5 миллион сўмга «Самара» русумли автомашина сотиб олганлиги кўрсатилган.

билан ўрмон ҳўжалиги директори Н.Сафаровга нисбатан энг кам иш ҳақининг 10 баравари, бош ҳисобчи Т.Тилововага нисбатан энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорда жарима қўлланилган.

Бундан ташқари, муаллиф аризада «Бобото» ўрмон ҳўжалиги директори Н.Сафаров томонидан листа маҳсулотлари ўзлаштирилганлиги, ҳўжаликнинг 900 миң сўм пулини ўзининг уяли алоқа воситаси учун ўтказиб берганлиги, ёнигли-моилаш материалларини ўзлаштирилганлиги, қоврак илдизини қазиб, ширасини олиш натижасида ҳўжаликка катта миқдорда зарар етказганлигини кўрсатган бўлиб, муаллифнинг ушбу вазилари Узун туман прокуратураси томонидан муқaddам «Бобото» ўрмон ҳўжалиги директори Н.Сафаров ва бошқаларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши терговни давомда текширилиб ва ҳуқуқий баҳо берилиб, жиноят иши айблов ҳулосаси билан тегишли судга юборилган.

Б.ЭРҒАШЕВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

Фуқаро У.Якуповнинг А.Далимовга нисбатан тайинланган жазодан норози бўлиб, «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасига ёзган аризаси кўриб чиқилди.

Протест киритилди

Иш ҳужжатларига кўра, А.Далимов, А.Хлюстов ва Ж.Аминовлар 2007 йил 21 март куни соат тахминан 21 ларда маст ҳолда Чирчиқ шаҳрида жойлашган «Умид-жон» кафеси ёнида фуқаро К.Якупов билан ҳеч бир сабабсиз жанжаллашиб, унга енгил тан жароҳати етказилган. К.Якуповнинг укаси П.Якупов уларни ажратиб, безорилик ҳаракатларини тўхтатишга ҳаракат қилганида А.Далимов унинг кўзига бармоғини тикиб, жабрланувчи қағир тан жароҳати етказган.

Б.ХўЖАЕВ,
Тошкент вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари,
адлия катта маслаҳатчиси

Dildagi daryo

Мендан ўтган бўлса барисин унут

Исматулла Йўлдошев — 1953 йилда Самарқанд вилояти Ургут тумани Кўргонча қишлоғида таваллуд топган. Асли касби — ҳуқуқшунос. Қайси касбда ишлагани, адабиёт, санъат йўлига юз бурган кишининг кунгил дарёси мавж ураверади. И.Йўлдошев ҳам шундай кайфиятдаги кишилар сирасига кирилади. У кўп йиллардан буён ижод қилади. И.Йўлдошевнинг «Ёлғизлик», «Жаҳолатга қўйилган тузоқ», «Армонли дунё», «Бунда тонглаш қай қанча ўзини» сингари шеърини тўпламлари чоп этилган.



ВАТАН

Сен билан ҳамнафас яшадик доим, Фидо бўлсин дея ширин жонимиз. Бўлса ҳамки қачон қиёмат қойим, Юзимиз ёруғдир, ҳалол номимиз.

Биздан авлод қолур покиза, ҳалол, Мендан ўтган бўлса барисин унут. Сенинг ҳадларингга етмайди ҳаёл, Мўъжас тимсолонгдир жонажон Ургут.

Сен билан яшадик, сени деб ёндик, Сен боис ёруғдир ҳаёлларимиз. Шукрим, тўйиндик, меҳрга қондик, Ризодир фарзандлар, аёлларимиз.

Сени деб яшадик, шундоқ кетармиз, Ахир, бор-йўғимиз ўзинган Ватан! Бир кун кетажакмиз, биз ҳам ўтармиз, Сенинг кучоғингда қолгайдир бу тан.

Дунёни ёмонлаб, топташга шошма, Бошинга не келса ўзиндан, ошина.

Бор гуноҳ-саовим унинг измида — Шу боис менга ҳам тутмагил осон.

Бир умр керилиб, бошинг эгмасанг, Кирза этикка ҳам бўлмасан пошна.

Искандар дунёдан қўл очиб кетди, Асрлар қағрида замонлар йитди.

Ноҳақ ҳукм қилса нобакор қози, Худо ҳам ажридан бўлар порози.

Билмам, не кўйларда яшар одамзод — Бу сиринг тағига қай қимса етди?

Посанги тошига ҳиёнат қилса, Дўзахга тўғрилаб қўяр тарози.

Мунофиқ кир излар тирноқ остидан, Мағзава сочади баланд-пастидан.

Кучадан излама душманни асло, Ўзининг ичингдан чиқади расво.

Ёнигга йўлатма, сўхбатидан қоч, Кўплар ўлиб кетди шунинг дастидан.

Авалло, осий деб айтар ўзини, Сўнг эса жойингга қилади даъво.

Ҳаёт деганлари фақат ёз эмас, Лайлак деганлари ўрдак-юз эмас.

Тақдири азали битганда Яздон, Биларди бу жоним бўлади сарсон.

Учраган нокаса ишонаверма — Пошингни қирққишга хуштор оз эмас.

Hushyor bo'ling, firibgar

Ҳоким ўринбосарининг «ўғли»

ёхуд суперфирибгар кирдикорлари хусусида

Одам ўз умрини ёшлигидан улуг ишлар, ҳалол ва фойдали меҳнат билан боғламаса, навқиронлик йиллари олға совирилди, девверинг. Чунки, ёшлик инсон ҳаётининг камолотга эришиш учун уруғ қадаладиган палласидир. Болалик, ўсмирлик йилларининг бөгубор, бөгард палласида бетимсол гуялар, мардлик, эзгулик амаллари ниш уради.



Ҳоким ўринбосарининг «ўғли» ёхуд суперфирибгар кирдикорлари хусусида... Довчиси Ўлмас Мадалиевни ҳам чўв туширди. Унинг «Самсунг Х-640» маркали қўл телефонини гаплашиш учун олди. Ҳайдовчидан машинани тўхтатишни сўради. Узини гаплашадиган қилиб кўрсатиб, кўп қаватли уйлар ортига яшириниб, сўнг қочиб қолди. Эртаси кун кўл телефонини бозорда нотаниш шахсга 60.000 сўмга сотиб юборди.

«... У божхона тўғрисидаги қонунни била туриб бузғунлиги, қилмишидан қаттиқ пушаймонлиги, қарамоғида 3 нафар вожа етмаган фарзанди борлиги, қолаверса, биринчи мартаба судланаётганлиги боис енгиллик берилишни сўраб судга мурожаат этди».

Qilmish Қоронғида топишганлар...



Биз ҳикоя қилмоқчи бўлаётган жиноят ишга доир тўплаган ҳужжатларни таҳлил этарканмиз, жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман суди раиси Ботиржон Сарабеков томонидан 2007 йилнинг 10 июль кун ишланган ҳужмага акс этган юқоридаги жумлар эътиборимизни тортди. Ваҳоланки, у йилнинг айлани гуллаган 31 ёшида қора курсига ўтириб, судга юқоридаги ирорлик мурожаатини қилмаслиги мумкин эди. Аммо... аммо бундай бўлмади. Нафс устун келди. Қолаверса, бу жиноятни у бир ўзи эмас, атрофида жиноий шерик тўплаб амалга оширди. Шериги ҳам қахрамонимизга ўшаган «нуса»лардан бири. Қисқаси, иккаласи ҳам эл таъбири билан айтганда «қоронғида топишганлардан». Мулоҳазаларимизга айдинлик кiritиш учун прокуратура томонидан эълон қилинган айблов хулосасининг биринчи қонунбузарга тегишли қисминдан қисқача иқтибос келтиришни лозим топдик.